O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Шарқ мусиқаси, Шарқнинг ҳаётбахш оҳанглари одамзодни ҳамиша эзгулик ва адолат, гўзаллик ва нафосатга чорлайверсин!**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 28-avgust • Yakshanba • 109-110 (27.445) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

**Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!**

**Азиз меҳмонлар!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

**Бугун дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш гўзал ва бетакрор Самарқанд «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва унинг меҳмонларига бағрини кенг очиб бермоқда.**

**Барчангизни — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг муҳтарам иштирокчилари ва унинг азиз меҳмонларини чин қалбимдан нафақат Самарқанд аҳли, балки диёримизда яшайдиган барча миллат ва элатлар номидан, бутун халқимиз номидан «Хуш келибсиз азим Самарқандга, хуш келибсиз Ўзбекистонга!» деб қутлашга ижозат бергайсиз.**

**Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда сирли ва улуғвор Шарқ олами намоён бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг икки минг етти юз йиллик шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

**Шунинг учун ҳам, мана, саккиз йилдирки, биз «Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжуманни айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келмоқдамиз.**

**Қадим Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган муҳташам обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан худдики мумтоз мусиқа овози эшитилиб тургандек ҳиссиёт туғилади. Бу садолар мана шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар қайси инсонга бамисоли тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб бериб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаб тургандек туюлади.**

**Азиз дўстлар!**

**Бугун биз ўта таҳликали ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, айни мана шундай нотинч бир даврда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларни ўзаро яқинлаштиришга хизмат қиладиган, инсониятнинг муштарак ва бебаҳо бойлиги бўлган мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.**

**Бу ёруғ оламда тили, дини ва урф-одати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган қудратли бир восита борки, уни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди: бу — мусиқа, бу — оҳанг, бу — тарона.**

**Ҳеч кимга сир эмас: дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз остонасига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади.**

**Бугун биз ҳам сизларни — ўзимизнинг азиз меҳмонларимизни дунёнинг яқин ва узоқ жойларида истиқомат қилаётган халқларнинг маънавий ва маданий руҳини мусиқа воситалари орқали ифодаловчи, уларнинг саломи ва самимий тилакларини етказувчи тинчлик ва дўстлик элчилари деб қабул қиламиз ва қадрлаймиз.**

**Қани эди, дунёда урушлар, портлашлар, қарама-қаршиликлар барҳам топса, кишилар ўртасидаги низо-адоватлар йўқолса ва замин узра фақат гўзал мусиқа садолари янграб, одамзодни ёмон йўлдан қайтариб, эзгуликка даъват этса!**

**Бундай фикр ер юзидаги соф ниятли барча инсонлар, бутун борлиғини олижаноб мақсадларга бағишлаган сиз каби минг-минглаб санъат аҳли намояндалари қалбидаги орзу-интилишларнинг яққол ифодаси, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.**

**Фестиваль доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий мусиқа меросини, ўзининг худо берган истеъдоди ва маҳоратини намоён қилишга, ижодий беллашувларда юқори ўрин ва мукофотларни эгаллашга ҳаракат қилиши табиий, албатта.**

**Менга буюрса, барчангизни бағримга босиб, сизларга энг юксак, энг катта мукофотимизни — кўнгил бойлигимиз, қалб саховатимизни берган бўлардим.**

**Имкониятдан фойдаланиб, халқимизнинг, биз сизларни юртимизда кўришдан, ноёб санъатингиздан баҳраманд бўлишдан бахтиёрмиз, доимо азиз меҳмонимиз бўлинг, деган самимий дил изҳорини сизларга билдирмоқчиман.**

**Анжуман кунларида сизлар Самарқанднинг бетакрор табиати, кўҳна ва ҳамиша навқирон қиёфаси, тенгсиз меъморий ёдгорликлари билан танишар экансиз, меҳмонга қалбини очиб, меҳрини берадиган Самарқанд аҳли билан мулоқотда бўлиб, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш Самарқанд бозорларини кўриб, ўхшаши йўқ бу гўзал шаҳарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз, деб ишонаман.**

**Фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг жонкуярларидан бўлган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро мусиқа кенгаши раҳбарларига ушбу анжуманни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдираман.**

**Қимматли вақтини аямай, бугунги фестиваль ишида яқиндан иштирок этаётган, ЮНЕСКО Бош конференциясининг президенти Майкл Омелева жанобларига, жаҳондаги мусиқа оламида юксак ном ва обрў қозонган севимли санъаткорларимизга, шу жумладан, Франциядан Самарқандга ташриф буюрган Шарль Азнавур жанобларига алоҳида ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.**

**Сизларни анъанавий мусиқа анжуманининг очилиши билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, фестиваль ишига муваффақият тилайман.**

**Шарқ мусиқаси, Шарқнинг ҳаётбахш оҳанглари одамзодни ҳамиша эзгулик ва адолат, гўзаллик ва нафосатга чорлайверсин!**

**Эътиборингиз учун ташаккур.**

## МДҲ: ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26-27 август кунлари Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди**

Кўплаб сиёсатчилар, кузатувчи ва шарҳловчилар Ҳамдўстликнинг бу галги саммитига МДҲ тақдири ҳал бўладиган учрашув сифатида қараётган эди. Шарҳлар орасида мазкур тузилманинг келажагига шубҳа билан қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмасди.

Сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида, Президент Ислом Каримов МДҲдан воз кечилса, бунинг оқибати нима бўлади, деган саволга жавобан барча аъзо мамлакатлар ноқулай аҳволда қолиши мумкинлигини таъкидлади. МДҲ юксак марраларни эгалламаётган, ўз олдига қўйган вазифаларнинг барчасини уддаламаётган бўлса-да, унинг мавжудлиги барибир кўп афзалликларга эга. Умуман, ҳозирги замон якка тартибдаги тараққиётни инкор этади.

Қозон саммитида бошқа аъзо мамлакатлар раҳбарлари ҳам МДҲга эҳтиёж борлигини, Ҳамдўстлик интеграция ва кенг кўламли кўп томонлама ҳамкорликнинг муҳим механизми сифатида хизмат қилиши мумкин эканлигини эътироф этдилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги собиқ СССР республикалари ўртасидаги алоқаларни сақлаб қолиш ва янгича асосда ривожлантириш мақсадида тузилган эди. Унинг куч ва имкониятлари кўп. Иқтисодий алоқаларнинг ўзидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Эркин савдо зонаси МДҲни интеграция юксак даражада ривожланган ҳамжамиятга айлантириши мумкин. Бир-бирига уланиб кетган транспорт тармоқлари, нефт-газ қувурлари, халқ хўжалигининг ўзаро бир-бирини тўлдириши, аъзо давлатларнинг бевосита қўшнилиги ва бошқа омиллар савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун қулай имкониятдир.

Мутахассислар глобаллашув жараёни тобора фаоллашаётган ҳозирги кунда иқтисодий бўҳронларга, жаҳон иқтисодиётидаги силкинишларга тайёр туриш учун ҳам интеграцияни кучайтирмоқ лозимлигини таъкидлашади. 279 миллион киши яшайдиган МДҲга жаҳон саноати салоҳиятининг 10 фоизи, дунёда аниқланган табиий заҳираларнинг 25 фоизи тўғри келади. Қолаверса, сўнгги йилларда Ҳамдўстликнинг қатор мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2004 йилда МДҲда ялпи миллий маҳсулот ўсиши ўртача 8 фоизни ташкил этган. Муқояса учун Европа давлатларида ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши ўртача 3-4 фоиздан ошмаётганини айтиб ўтиш мумкин. Эътироф этиш керак, бу рақамлар катта имкониятлардан далолат.

Хавфсизлик масаласида ҳам МДҲ доирасидаги ҳамкорлик долзарблигича қолмоқда. Терроргилик, экстремизм ва айирмачиликка, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ва ғайриқонуний муҳожирликка қарши курашда Ҳамдўстлик мамлакатлари четдан ёрдам кутиши ўринли эмас. Шу билан бирга, ўзаро мувофиқлаштирилган, мустаҳкам ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларсиз таҳдидларнинг олдини олиш ғоят мушкул. Бу хусусда Президент Ислом Каримовнинг Ҳамдўстлик давлатларида террорчилар ва экстремистик ташкилотларнинг рўйхатини тузиш, шу тариқа уларнинг МДҲ ҳудудида фаолият кўрсатиши ва ҳаракатланишига тўсиқ қўйиш борасидаги таклифини аъзо давлатлар қўллаб-қувватлаганини таъкидлаш ўринлидир.

МДҲ мамлакатлари ижтимоий соҳада кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш орқали халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бу илм-фан ва таълим, маданият ва санъат, спорт ва сайёҳлик, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги алоқалар учун қўшимча қулайликдир. Қозон саммити арафасида Россия ахборот агентликлари келаси йилнинг баҳорида илк бор МДҲ мамлакатлари ижодий ва илмий доираларининг форуми ўтказилиши ҳақида хабар тарқатди.

Қозон саммитида президентлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлашини билдирдилар.

Бугунги кунда МДҲнинг мана шундай катта имкониятлари эътибордан бироз четда қолиб, Ҳамдўстлик доирасида амалий ишдан кўра, кўпроқ сиёсий баҳсга берилиш ҳоллари кузатилмоқда. Айрим мамлакатлар МДҲни ривожлантиришдан ҳам унинг ичида янги-янги ташкилоту тузилмалар тузиш ҳақида кўп қайғуради. Баъзилари овоза бўладиган, лекин амалда самара бермайдиган ташаббусларни илгари суради. Табиийки, бундай ҳаракатларни ҳар бир мамлакат ўзича қабул қилади. Кейин баҳс-мунозаралар бошланади.

Мутахассис ва кузатувчиларнинг фикрича, МДҲнинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзоларнинг манфаатларига тўғри ёндашгандагина Ҳамдўстликнинг истиқболи порлоқ бўлади. Бошқача айтганда, аввало барча аъзо давлатлар манфаатларига мос келадиган масала ва мавзуни кўтариш, кейин ҳамманинг бу масалага муносабатини инобатга олиш керак.

Ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш борасидаги ҳаракатлар ҳам вақтни зое кетказишдан ўзга нарса эмас. Ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий мудофаа доктринаси, қуролли кучларни такомиллаштириш стратегияси бор. Ҳарбий-сиёсий блоклар эса миллий доктрина ва стратегияларнинг муайян қисмига зид келиши мумкин.

Шундай қилиб, Қозон саммитида МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари Ҳамдўстлик фаолиятини яна бир бор жиддий танқидий назардан ўтказиб, унинг истиқболига оид фикрларини баён этдилар. МДҲнинг тақдири ҳақидаги фараз, тахмин ва башоратларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин-йироқлиги аён бўлди.

Аввало, таъкидлаш керакки, МДҲ ўз аъзолари учун фойда келтиришга қурби етадиган ташкилот эканлиги бир овоздан тасдиқланди. Зеро, кўрилаётган масалаларга турлича қарашлар мавжуд эса-да, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш каби умумий мақсад ва вазифалар ҳам талайгина. Бу кейинги ҳаракатлар учун яхши асос бўлади. Шу боис бир-биридан узоқлашиш эмас, амалий ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги борасида президентларнинг фикри бир жойдан чиқди. Бунинг учун интеграциянинг янги моделини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Айни пайтда баҳс-мунозаралар мавжуд бўлиши табиийлиги, лекин тортишувлар муайян самара бериб келаётган соҳаларни оқсатиб қўйишидан эҳтиёт бўлишга эътибор бериш кераклиги қайд этилди.

Саммит якунида ўзаро келишилган чегара сиёсатининг концепцияси, ташқи чегараларда инқирозли вазиятлар юзага келганда ва уларни бартараф этишда чегара хизматлари ва бошқа идораларнинг ҳамкорлигини ташкил қилишга оид низомни тасдиқлаш тўғрисидаги протокол, ноқонуний муҳожирликка қарши кураш бўйича 2006-2008 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, терроргилик ва экстремизмнинг ёвуз кўринишларига қарши кураш бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, олий молиявий назорат органлари раҳбарларининг давлатлараро кенгаши тўғрисидаги протокол имзоланди. Президентларнинг Қозон шаҳрининг 1000 йиллиги муносабати билан баёноти қабул қилинди. Ҳамдўстликнинг кейинги саммитини Беларус пойтахти Минск шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

МДҲнинг Қозон саммитидан олдин унинг истиқболи ҳақида гоҳ кўтаринки, гоҳ тушкун кайфиятдаги кўп фикрлар билдирилди. Олий даражадаги ушбу учрашув ва унинг натижалари эса Ҳамдўстлик ўзининг куч ва имкониятларини тўлароқ ишга солишга йўналтирилган ислоҳотлар йўлига қадам қўйганидан далолат бермоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент — Қозон — Тошкент.*

## ЭЗГУЛИК, НАФОСАТ ВА ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

"SHARQ TARONALARI" XALQARO MUSIQA FESTIVALI • SAMARQAND • INTERNATIONAL MUSIC FESTIVAL "SHARQ TARONALARI"



ҚАДИМ САМАРҚАНД ШАҲРИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

Мусиқа санъати — неча минг йиллар давомида инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётган, бу ёруғ оламни яна ҳам мунаввар қилиб кўрсатадиган мўъжизадир. Айниқса, башарият мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва қадр-қиммати беҳиҳоя ортиб бораётир.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори мусиқа санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Бугунги кунда Шарқ маданиятининг гавҳару дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун оламга янада кенгроқ танитиш, мумтоз тароналардан нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ушбу мусиқа анжуманининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мазкур халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун 2005 йил 27 август куни Самарқандга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, аввало, шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги кўчасида қад ростлаган янги ва реконструкция қилинган биноларни, «Шарқ юлдузи» кинотеатрини бориб кўрди.

— Самарқанд шароитида қандай дарахтлар экиш мақбул эканига алоҳида эътибор қаратиш даркор, — деди Президентимиз Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан. — Дарахтларни танлаб экиш, меҳр-муҳаббат билан парваришлаш лозим. Истироҳат боғида одамларнинг дилини яйратиб, кайфиятини хушлайдиган манзара яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Боғда буюк бобомиз Алишер Навоий ҳайкалининг қад ростлагани Самарқанд аҳлининг улуғ шоир ва мутафаккирга юксак эҳтиромининг ифодасидир, деб таъкидлади Ислом Каримов.

...Самарқанд, Регистон майдони. Соат 19.00. Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири, турли маданиятлар туташган бу фусункор шаҳар майдонидаги улкан амфитеатр анъанавий халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан тўлган. Улар орасида Осиё, Африка, Европа, Америка ва Австралия қитъаларидан меҳмонлар — мусиқашунос олимлар, мусиқа мухлислари, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ва сайёҳлар бор.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Тошкентда 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Мажлиснинг иккинчи иш куни «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокамасидан бошланди.

2-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ЭЗГУЛИК, НАФОСАТ ВА ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуман аҳли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Регистон узра карнай-сурнай, ноғора садолари таралади. Муҳташам саҳнага фестиваль қатнашчилари — Ўзбекистон, Афғонистон, Арманистон, Австрия, Озарбойжон, Бангладеш, Беларус, Бельгия, Россия, Хитой, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Миср, Эстония, Франция, Грузия, Германия, Греция, Гвинея, Италия, Исландия, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Исроил, Япония, Қозоғистон, Жанубий Корея, Кувайт, Қирғизистон, Малайзия, Молдова, Мўғулистон, Марокаш, Намибия, Непал, Нигерия, Норвегия, Покистон, Фаластин, Филиппин, Саудия Арабистони, Испания, Тожикистон, Туркия, Украина, Буюк Британия, АҚШ санъаткорлари кириб келадилар.

Майдон узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, уларнинг башарият тафаккурининг буюк хазинаси, инсоний ва маънавий камолот рамзи бўлган мусиқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятида янги ютуқлар, анжуман ишига муваффақият тилади.

Маросимда ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Майкл Омелева фестиваль меҳмони — францияликмашҳур санъаткор Шарль Азнавур, «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивали ҳайъати раиси Таг Ги О (Корея Республикаси) Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анъанавий фестиваль қисқа даврда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганини, наинки Шарқ, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар санъат намояндалари ва ихлосмандларини ўзига кенг жалб этаётганини таъкидлади.

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини муайян мусиқий мавзуга бағишлаш яхши анъанага айланган. Бу галги очилиш маросимининг асосий ғояси буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодига бағишланди. Навоий ғазаллари билан айтиладиган миллий мумтоз ашулаларга кенг ўрин берилди.

Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасаларини туташтириб турган муаззам майдондаги театрлаштирилган томошалар халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Бир неча кун давомида Регистон майдонида, шунингдек, бутун шаҳар бўйлаб ташкил этиладиган санъаткорлар чиқишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик, чин инсоний фазилатларни улуғлашга, юртимизнинг, жумладан, Самарқанд шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини, умумбашарий маданият ривожига қўшган улкан ҳиссасини, бой мусиқий меросимизни кенг намоён этишга хизмат қилади.

Халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга олиб кўрсатилди.

**Ғулом МИРЗО,**
**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**



**Суратларда:** очилиш маросимидан лавҳалар.
**Дилшод ЮСУПОВ, Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу Қонун юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси, сенатор А.Алтиев қўмита хулосасини баён этди. Сенаторлар В.Кучеров, Ё.Одилов ва бошқалар ўз фикрларини билдирди. Сўзга чиққан сенаторлар хусусан мазкур қонун тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни жалб этишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини барпо этиш йўлидаги ғов-тўсиқларни бартараф қилишга, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат ҳаётий фаолиятининг бошқа соҳалари барқарор ривожлантирилишини таъминлашнинг парламент палаталарининг шу йил январда ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган вазифаларини ҳал этишга қаратилганлигини таъкидлаб, бу қонун чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратади, корхоналар томонидан узоқ муддатли кредитларни ҳукумат кафолатларисиз жалб этилишини рағбатлантиради, чет эллик шериклар билан алоқаларни кенгайтиришга ёрдам беради деб таъкидладилар. Қонун қўшма корхоналар янада кўпайиб, уларнинг самарадорлиги ошиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Кун тартибига мувофиқ сенаторлар «Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан сенаторлардан А.Алтиев, Э.Каримов, А.Нарзуллаев ўз фикрини билдирди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ва кенгайтиришга қаратилган қонун юқори палата аъзолари томонидан маъқулланди.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан сўзга чиққан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Б.Иминов, сенаторлардан П.Маъдиев, Қ.Санақулов, Р.Жуманиёзов мазкур қонунда қатор ноаниқликларга йўл қўйилганлигини, қонунчилик техникаси қоидалари бузилганлигини таъкидлади. Хусусан қонунда шаҳар ташкил этувчи корхоналарнинг судга қадар санациясининг белгиланган муддатлари юзасидан чеклашларни олиб ташлаш мўлжалланмоқда. Қонуннинг бу таҳрирда амалиётда қўлланилиши корхоналарнинг иқтисодий қобилиятлилигини тиклашга олиб келмайди. Аксинча у билан ҳамкорлик қилаётган ташкилотларни ҳам банкротлик йўлига чиқариб қўяди. Олий Мажлис муҳокамасига қонун лойиҳасини киритган Вазирлар Маҳкамасининг таклифлари қуйи палата томонидан қонун моддаларини тузишда инобатга олинмаган. Шу муносабат билан мазкур қонунни рад этишга ва палаталар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун келишув комиссияси тузишга қарор қилинди. Сенаторлар қонунларни рад этиш механизми қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилашга қаратилганлигини таъкидлади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2005 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам маъқулланди. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан А.Орипов, А.Ҳакимов Қонуннинг қабул қилиниши бу мамлакат билан муносабатларни чуқурлаштиришга ёрдам беради ва Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик соҳасидаги манфаатларига жавоб беради, деб таъкидлади.

Сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди. Мазкур қонунни муҳокама қилишда иштирок этган Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг раиси С.Сафоев, сенаторлардан Н.Файзиев, Ҳ.Муҳамедов таъкидлаганидек, Хитой Халқ Республикаси билан самарали ҳамкорлик узоқ муддатли асосда йилдан-йилга тобора жадал ривожланиб бораётир. Бу ҳамкорлик савдо-иқтисодий, молиявий, инвестиция ва бошқа соҳаларни қамраб олмоқда. Ўзбекистон билан Хитой сиёсий ва ҳарбий-техника соҳасида ҳам ўзаро яқин ҳамкорлик қилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг миллий хавфсизлик соҳасидаги манфаатларига жавоб беради ва ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтиради.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Сенат ўзига давлатимиз раҳбари томонидан берилган баъзи ваколатларни, хусусан мансабдор шахсларни вазифасига тайинлаш ваколатларини амалга оширишга киришди. Сенат қарорлари билан Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислом Республикасидаги ва Туркия Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари тайинланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ялпи мажлис Котибиятининг ахборотида Сенат мажлисининг икки кунлик иши мобайнида ўн битта қонун кўриб чиқилганлиги, улардан учтаси рад этилганлиги айтилди. Музокараларда 52 нафар сенатор, шу жумладан АҚШ қуролли кучлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэродромидан олиб чиқиш билан боғлиқ масала юзасидан Қашқадарё вилоятидан сайланган бир гуруҳ сенаторларнинг мурожаатномаси кўриб чиқилган 26 август куни муҳокамада 19 нафар сенатор иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугатди.

**(ЎзА)**

# «БУНДАЙ ЎЛКАДА ЯШАШНИ ҲАР КИМ ҲАВАС ҚИЛАДИ»

## Кўҳна ва навқирон Самарқанд яна етти иқлимдан келган меҳмонларни ўз бағрига олди

Дунё халқларининг ноёб мусиқий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, инсонларни нафосат ва эзгуликка даъват этиш мақсадида ўтказилаётган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида яқинлаштиришга хизмат қилиши билан кўпчиликнинг меҳрини қозонди.

Фестивалда иштирок этиш учун ташриф буюрган меҳмонлар замонавий, муҳташам меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Улар яхши хордиқ чиқаришлари, шаҳарнинг диққатга молик жойларини томоша қилишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари журналистлари учун Матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Бугун фестиваль тантаналари дунёнинг элликдан ортиқ давлатларига тўғридан-тўғри узатилмоқда. Биз фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларидан айримларининг дастлабки таассуротлари билан қизиқдик.

— Дунё халқларини мусиқа орқали бир-бирига яқинлаштираётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали юқори савияда ташкил этилган, — **дейди покистонлик иштирокчи Муҳаммад ЗАКИ.** — Ушбу тадбирда биринчи бор иштирок этаяпман. Бу ерда жаранглаган турли миллат наволари Самарқанднинг гўзал жамоли, тарихий обидалари билан ҳамоҳанг ўзгача бир манзара ясайди. Биз етти кишидан иборат оилавий ансамбль билан иштирок этяпмиз. Самарқанд ҳақида кўп эшитгандим. Ўз кўзим билан кўриб, бу тарихий шаҳарга янада қизиқишим ортди. Халқингизни меҳмондўстлиги ва яратувчанлигига тасаннолар айтса арзийди.

**Исао ТАБУЧИ, Япониянинг Нара университети профессори:**

— Ўзбек ва япон халқлари ўртасида ўхшаш томонлар кўп. Меҳнатсеварлик, урф-одатларга содиқлик, санъатга ошуфталик ҳар иккала миллатга хос фазилат саналади. Мен мазкур фестивалга илгари ҳам келганман. Фан ва маданият бешиги бўлмиш бу юрт буюк санъаткорларнинг ҳам макони бўлгани кишини ҳайратга солади. Миллий маданиятингиз, боқий удумларингиз мени ўзига мафтун этди. Дўстлик тароналари янграйверсин. Гўзал юртингизга кўз тегмасин.

**Каролине ЛИ-МИН КОУ, Таиланд Маданият ишлари вазирлиги ходими:**

— Мен «Шарқ тароналари» фестивалида 2003 йилда ҳам қатнашган эдим. Бу гал делегация раҳбари сифатида келдим. Шундай савобли ишларнинг бошида турган ҳукуматингиз раҳбарларига миннатдорлик билдириш лозим. Бундай ўлкада яшашни ҳар ким ҳавас қилади. Юртингиздаги осойишталик, одамларнинг ўзаро муносабатларидаги самимийликдан юрагим ҳапқиради. Шаҳардаги ўзгаришу, бунёдкорликларнинг замирида фақат эзгулик ётибдики, буни ҳар биримиз чуқур англаб олишимиз лозим, деб ўйлайман.

— Асли касбим архитектор, — дея суҳбатимизга қўшилади **Каролине хонимнинг ҳамроҳи Эрик Су.** — тарихий обидалару замонавий муҳташам биноларнинг такрорланмас меъморий ечими мени жуда қизиқтириб қолди. Гўзал шаҳар, одамлар кайфиятидаги хотиржамлик ҳавасимни келтирди. Насиб этса, Самарқандга яна келиб шаҳар қурилиши билан батафсилроқ танишишни кўнглимга тугиб қўйдим...

Ҳа, Самарқанд шаҳрида бир марта бўлган киши бу заминга яна қайтиб келиш орзуси билан яшайди. Бугун қадим ва навқирон шаҳар қўш айём оғушида яшамоқда. Бугун унинг юраги — Регистонда жаранглайдиган ранг-баранг наволар эса Шарқ ва Ғарб санъати уйғунлиги, халқлар дўстлиги, орзу-ниятлари бирлиги ифодаси бўлиб дунёга таралади.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**Хуршид РАУПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР




Ўн тўрт йил кўҳна тарих учун бир сония, холос. Мана шундай қисқа даврда мамлакатимиз асрларга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Биз ҳаммамиз мана шу жараённинг ичида яшаяпмиз. Шунинг учун ҳам кўп тарихий воқеалар бизга оддий бўлиб туюлади. Тоғнинг маҳобати ва улуғворлиги узоқдан яхши кўринганидек, йиллар ўтиб бу жараённинг ҳар бир соати, ҳар куни нақадар мураккаб, масъулиятли ва шарафли бўлганлиги тўла-тўкис аён бўлади. 14 йилда қилинган оламшумул ишларни бугун гапириб адоғига етиш қийин. Юзлаб ана шундай эзгу, келажак авлодларга ибрат сифатида қоладиган ишлардан бири — миллий қадриятларимизни қайта тиклаш бўлди.

## МОЗИЙГА ҚАРАБ ИШ ТУТИШ ХАЙРЛИДИР

Халқимизнинг бетакрор урф-одатлари, миллий қадриятлари кўп. Улар асрлар давомида сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Бу бебаҳо бойлик маънавий меросимизнинг таркибий қисмига айланган. Урф-одатларимизда миллатимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, орзу-интилишлари, ўзлиги, ҳаётий фалсафаси ифода топган. Айнан шу қадриятлар тарихий хотира сифатида авлодларни бир-бирига боғлаб, миллий тараққиётнинг бардавомлигини таъминлайди. Бу кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган руҳий қудрат, халқ ва миллат деган тушунчаларнинг ўқ илдизини ташкил этади. Улар йўқ қилинса, миллат таназзулга учраши аниқ.

Халқимизни ўзига тобе қилмоқчи бўлган босқинчилар унинг миссиз маданий обидалари, ёдгорликлари, бойликлари, энг муҳими — юксак маънавияти ва эътиқоди олдида ўзларини ожиз ҳис этган, ваҳшийлик билан маҳаллий халқнинг шу сарватларини йўқ қилишга интилган. Натижада қанчадан-қанча шаҳарлар, гўзал иншоотлар, ибодатхоналар, обидалар вайрон қилинган, не-не нодир китоблар ўтда ёқилган. Бугун айрим ёшлар ўтмишимизда халқимиз бошига тушган кулфатларни тасаввурга сиғдириши қийин. Жумладан, дунёдаги аксарият халқлар, қайси тузумда яшашидан қатъи назар, эътиқод эркинлигига эга бўлиб, диний маросимларни бемалол амалга оширган бир пайтда, халқимиз вакиллари учун ислом дини билан боғлиқ маросимларда иштирок этиш ҳам тақиқлана бошлаган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси Баҳодир Абдуллаев ўша даврда бошига тушган кунлар ҳақида шундай ҳикоя қилади: *«Отам раҳматли қатағонга учраб, Сибирдан сургун азобларини тортиб қайтгач, уйда туриш ҳуқуқидан маҳрум этилган ва Тошкентдан 120 километр нарида, Мирзачўлда яшашга мажбур бўлган эди. 1986 йили рўй берган мудҳиш воқеа бутун оиламизни, қариндош-уруғларимизни ларзага солди. Укам фожиали ҳалок бўлди. Уни дафн этиш куни Марказқўмдан бир неча масъул ходим келди. Улар орасида мени яхши танийдиган ҳамкасбларим ҳам бор эди. Укам — Абдураҳим Абдуллаев ўша йиллари ёшлар газетаси муҳаррири ўринбосари, болалар газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган. Ўшанда масъул ходимлардан бири ёнимга келиб, «Баҳодир ака, ўзингиз тушуниб турибсиз, жаноза ўқитманглар, акс ҳолда оилангизга ҳам, ўзингизга ҳам жабр бўлади», деб қолди. Шунда мен аламимни ичимга ютиб, «онамдан сўранглар», дедим. Ўзим эса отамнинг дўстлари, қариялар ёнига бордим. Улар орасида масжид имоми, раҳматли Фозилқори ака ҳам бор эди. Уларни бу гапдан воқиф этдим. У киши «тўғри айтибсиз, бу сизнинг жигарингиз, лекин фарзандингиз эмас, онангиз нима деса шу бўлади», деди. Шу пайт онамнинг фарёдига қўшилиб Фозилқори аканинг тиловати эшитилиб қолди. Жанозага келган одамларнинг ярмидан кўпи титраб кетди...»*

Албатта, бу воқеа изоҳга муҳтож эмас. Чунки диний қадриятларимизни чеклаш, мусулмонларни жаноза ўқиб эмас, коммунистчасига, яъни митинг уюштириб дафн этиш ҳатто сиёсат даражасига кўтарилган эди. Бундай кўрсатмаларга қарши чиққанлар сиёсий хатога йўл қўйган шахс сифатида турли жазолаларга тортилган, партия сафидан чиқарилган.

Собиқ Ўзкомпартия XVI пленумида (1984) коммунистлар зиммасига диний ва миллий маросимларда иштирок этмасликдан ташқари, аҳоли ўртасида диний тадбирларни ўтказишга қарши тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси юклатилган эди.

Даҳрийлик сиёсати фақат дафн маросимларини эмас, балки тўйларни ҳам қамраб олган эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб суннат тўйлари зимдан тақиқлана бошлади. «Сўнгги қатағон» даврида эса одамларноилож қолиб, суннат тўйини «туғилган кун» ёки «юбилей» ниқоби остида ўтказишга мажбур бўлди.

Аҳвол шу даражага бориб етган эдики, баъзи йиғинларда дастурхон атрофида Аллоҳ номига дуойи фотиҳа қилиш ўрнига коммунистик партия шаънига «ҳамду сано» ўқилар эди.

Маънавиятимизга қарши тажовузнинг кўлами кенг эди. Унинг моҳиятида аввало ёвузлик, инсон қадрини оёқ-ости қилиш ётарди. Шарқшунос олим Ж.Шабанов бу ҳақда шундай дейди: «бизга рўза кунлари талабалар ётадиган ётоқхонама-ётоқхона юриб, рўзани қоралаш, рўза тутганларни аниқлаш ва уларни эътиқодини бузиш учун ҳаммага зўрлаб сув ичиришга кўрсатма бўлди ва биз уни ижро этишга мажбур бўлдик».

«Қизил империя» диний ва миллий қадриятларимизни тақиқлаш воситасида аҳолини ўзларининг ибораси билан айтганда, «совет халқи»га айлантирмоқчи бўлган эди.

«Муросасизлик» байроғи остида фақат урф-одатларимиз эмас, миллий либосларимиз, ҳаттоки баъзи сўзлар ҳам тақиқлана бошлади. Хусусан, атлас кўйлак, дўппи ёки аёлларимиз ўрайдиган анъанавий рўмолларга «эскилик сарқити» деган тамға босилди. Уларни кийганлар замондан орқада қолган шахслар сифатида камситилди. Масалан, биз ўқиб юрган даврларда талаба қизлар атлас кўйлак кийиш ва сочини майдалаб ўришдан ор қиларди. Аҳмоқона сиёсат уларни шу даражага олиб борган эди.

Урф-одатларни, миллий либос кийишни тақиқлаш мумкиндир. Аммо даҳрийлик жазавасига берилган кимсалар она тилимиздаги баъзи сўзларни ва исмларни ҳам йўқ қилмоқчи бўлишди. Масалан, одатда ўқув даргоҳларидаги устозларга «домла» деб мурожаат қилинади. Бу сўз диний тушунча сифатида тақиқланди. Ҳатто «алла», «ялла» каби сўзларнинг асл илдизи Аллоҳ деган тушунчага бориб тақалмасмикан деган шубҳалар ўртага ташланди. Ўшанда «Ялла» ансамблининг номи ўзгарармиш, деган миш-мишлар тарқалди. Фарзандига «Бобур», «Темур» деб исм қўйган зиёлилар танқид остига олинди. Энг даҳшатлиси, мумтоз адабиётимиз намуналари нашрларидан Аллоҳни эслатувчи барча сўз ва жумлаларни олиб ташлаш буюрилди.

Яқин ўтмишимизда содир бўлган бу кўргилик, ҳатто, ўша замонлардаёқ бадиий асарларда ҳам ўз ифодасини топган эди. Абдулла Ориповнинг 80-йиллар охирида ёзилган «Ранжком» драматик достонида тасвирланишича, шўропараст кимсалар «исми айнан Худойқул» бўлган лекторни «диндор деб, яъни қизил жамиятнинг душмани деб эълон қилади». Шўроларнинг куракда турмас мантиқсиз мафкураси руҳида тарбияланган кишилар жамият манфаатлари йўлида эмас, балки ўзларининг ғаразли ниятлари, ичи қораликлари, кўролмасликлари сабабли Худойқулга ёпишади. Бундай танқиддан росмана қўрқиб кетган, унинг оқибати нима билан тугашини яхши билган Худойқул оғир аҳволга тушиб қолади:

***Ихтиёрий воз кечаман «Худой» қисмимдан,***
***Майли исмим ярим бўлсин, «қул» бўлиб қолай***

— дейди. Аммо бу билан қутулолмайди — бошқа биров:

***Қулу қулдор синфлари кетган йўқолиб,***
***Худойқулнинг «қул» қисми ҳам сиёсий хато***

— деб масала кўтаради: «Шундай қилиб, бир фуқаро куппа-кундузи, ўз исмидан ихтиёрий қолди айрилиб...»

Мустабид тузум даврида бетакрор урф-одатларимиз, азалий удумларимиз қатори миллий қадриятларимизнинг ёрқин рамзи бўлган қадимий байрамларимиз ҳам қатағон қилинди. Рамазон ва қурбон ҳайитларини кенг нишонлаш, оммавий сайиллар уюштириш тақиқланди. Шундай исломий муборак кунлари масжид ва қабристонлар олдига махсус соқчилар қўйилди, намозга келган одамлар «қора» рўйхатга тиркалди.

Имом Бухорийдек буюк муҳаддислар, исломшунос олимлар дафн этилган мақбаралар харобага, кимёвий ўғитлар сақланадиган омборхоналарга, қабристонлар одам кўрса қўрқадиган чакалакзорларга айлантирилди. Ўша йиллари Имом Термизий мақбараси тиканли симлар билан ўраб қўйилган эди. Имом Мотуридий ҳазратлари дафн этилган қабр ва мажмуа эса бузиб ташланиб, унинг устига аҳоли яшайдиган уйлар қурилди.

Бутун дунё тан олган шоҳ ва буюк шоир, қомусий илм эгаси Мирзо Бобур ҳақида роман ёзган Пиримқул Қодиров «феодал шоҳларни улуғлаган» деб танқид қилинди, анча йиллар асарини чоп эттира олмади.

Асрлар мобайнида халқимизнинг онгу шуурига сингиб кетган урф-одатларимиз, маърака ва маросимларимиз қатори Наврўз байрами ҳам қаттиқ тазйиқ остига олинди.

Оммавий ахборот воситаларида, китобларда «наврўз» деган сўзни ишлатиш сиёсий хато сифатида баҳоланди. Масалан, 1986 йили «Маданий-оммавий тадбирлар» деган китоб чоп этилган ва унда кимнингдир «масъулиятсизлиги» боис «наврўз» деган сўз «ўтиб кетган». Мана шу битта сўз учун бутун бошли тираж дўконлари, ўқув муассасалари, кутубхоналардан йиғиб олиниб, «Наврўз байрами»нинг ўрнига коммунистик мафкурачилар томонидан ўйлаб топилган сохта «Навбаҳор байрами» деб ёзиб чиқилган. Аммо ҳукмрон тузум ҳар қанча зўравонлик кўрсатмасин, қадимий байрамимизни йўқотишга қаратилган бу тадбирни халқ барибир қабул қилмаган.

Шўролар тузуми халқимизни маънавий жиҳатдан синдириш, унинг онгига миллий қадриятларимиз ўрнига коммунистик ақидапарастликни сингдириш мақсадида 21 мартни «Халқаро ирқий камситишни тугатиш учун кураш куни» деб эълон қилди. Масалан, 1986 йил 21 март куни марказий газетада худди шу мавзуда «Шарқийлик акс-садоси» номли мақола чоп этилган. Аслида эса Наврўзни байрам сифтида тақиқланиши ирқий камситишнинг ёрқин намунаси эмасмиди?!

Шўро замонида тафаккуримиз, дунёқарашимизнинг ёрқин кўзгуси ва ифодачиси бўлган тилимиз ҳам ҳар томонлама чеклаб қўйилди. Барча идораларда расмий ҳужжатлар, қарорлар, баёнлар рус тилида олиб борилди. Аҳвол шу даражага етдики, фақат ўзбеклар иштирок этган йиғилишлар ҳам, одамлар тушуниши қийинлигидан қатъи назар, бошқа тилда олиб борилди. Рус тилини билмаганлар масъул лавозимларда ишлай олмас эди. Натижада миллионлаб ватандошларимиз жамият ҳаётида фаол қатнашиш, ўз салоҳиятини тўлиқ намойиш этиш имкониятидан маҳрум бўлиб яшашга мажбур эди.

Миллатнинг ўзлигига ва унинг ўқилдизи бўлмиш она тилига болта уриш каби машъум сиёсат адабиёт ва санъат соҳасига ҳам дахл этди. Масалан, саҳна ва кино асарлари, илмий ишлар рус тилида ёзилар ёки рус тилига таржима қилиниб, собиқ марказ вакиллари назаридан ўтказилар эди. Улар рухсат бергандан сўнггина ўзбек тилига ўгирилиб, томошабинга тақдим этиларди.

Бунинг оқибатида ўзбек тили фақат кундалик турмушдагина ишлатиладиган алоқа воситаси даражасига тушиб, хонаки тилга айланиб қолаёзган эди. Натижада она тилида гаплашишдн ор қиладиган муайян тоифа ҳам шаклланганди.

**Қуддус АЪЗАМОВ,**
**республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари**

*(Давоми бор.)*

# ИСТИҚЛОЛНИНГ ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАРИ

## ЁХУД МИЛЛИЙ КИНО ҲАҚИДА ЎЙЛАР




Мустақиллик йилларида ўзбек киносини жаҳон киноси билан рақобатлаша оладиган даражага олиб чиқиш, халқимизнинг чинакам менталитетини акс эттирувчи миллий картиналар яратиш йўлида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бу эса соҳага кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик Президентимизнинг «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида яққол ифодасини топган.

Дарҳақиқат, ушбу муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши билан аввало миллий кинони ҳозирги замон талаблари асосида индустриал тарзда тараққий эттириш, юқори ғоявий-бадиий поғоналарга кўтариш, ҳаётийлиги ва эстетик таъсир кучини ошириш учун мустаҳкам замин яратилди. Энг муҳими, кино-видео маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштириш муаммоси тўла-тўкис ҳал бўлди. Иккинчидан, киноижодкорлар зиммасига ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб янада долзарб вазифалар юклатилди, уларнинг самарали ижод қилишлари учун қулай шароит вужудга келди. Учинчидан, Истиқлол туфайли янгича тафаккур асосида тарбияланаётган, дунёқараши бутунлай ўзгарган бугунги томошабин эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун имкон туғилди.

Ниҳоят, кино санъати воситасида эркин демократик жамият барпо этиш, амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғояси мазмун-моҳиятини янада теран бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳамда таъсирини кучайтириш бош масала қилиб қўйилди.

Хусусан, бу борада атиги ярим йилча муқаддам иш бошлаган Ўзбекистон кино санъати музейи бир неча ўн йиллар давомида миллий кинематографиямиз ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтгани, ибрат мактабини ўтайдиган тажрибалар тўплангани, қисқаси, ўзбек киносининг жаҳон киноси билан ҳамнафас камолга етганидан гувоҳлик беради.

Истиқлол йилларига келиб ўзбек киносининг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарди. Аниқроғи, собиқ мустабид тузум жорий этган «қолип» — коммунистик мафкурага хизмат қилишдек иллатдан қутулиб, миллийлик ўзанига бурилди, халқ озодлиги ва истиқлол сари, умуминсонийлик ва қадриятлар сари, ҳаққоният ва адолат сари юз тутди. Ана шу ўзгаришлар самараси ўлароқ вужудга келган «Буюк Амир Темур», «Чаёнгул», «Ёлғиз ёдгорим»... каби фильмларда халқона бўёқлар тасвири ўзининг теран ифодасини топди.

Миллий кинематографиямизда бир неча ўн йиллар давомида шаклланган ижодий анъаналар унинг тарихи нақадар бойлиги, пойдевори қай даражада мустаҳкамлиги ҳақида кенг тасаввур беради, айни пайтда ўзбек киносининг келгуси тараққиёт йўналишини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ҳам Президентимизнинг юқорида тилга олинган Фармонида давр синовларидан ўтган энг яхши ижодий анъаналарни изчил давом эттириш ва шу йўл билан миллий фильмларимиз фондини муттасил бойитиш, хусусан кинематографчиларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Кейинги уч-тўрт йил давомида кино соҳасида ўртага қўйилган умуммиллий талаблар, айниқса, юқоридаги фармон ва қарордан кейин «Ўзбеккино» Миллий агентлиги тизимини тубдан ўзгартириш ҳамда турли йўналишларда жиддий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди. Аввало, бошқарув механизмини қайта шакллантириш, кадрлар танлаш ва иш шароитини яхшилаш, ижодий эркинлик ҳамда фаоллик муҳитини вужудга келтириш, ниҳоят ҳудудий бўлимлар фаолиятини йўналтириш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Яна ҳам муҳими, молиявий-хўжалик соҳасига эътибор кучайтирилиб, ишлаб чиқаришга ажратилган маблағларни оқилона сарфлаш, киностудиялар ва киноижодкорлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Кейинги пайтда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳудудий бўлимлари фаолиятида бир қадар ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлса-да, бироқ тизимда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам бор. Бугун уларни босқичма-босқич ислоҳ қилиш эса соҳа мутахассисларидан фидойиликни тала этади.

Мамлакатимизда ҳар йили яратиладиган 15 та тўлиқ метражли бадиий фильм, 10 та мультипликацион кинофильм, 40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинофильм, 60 соатлик маънавий-маърифий ва ўқув-услубий видеофильмлар ғоявий-бадиий жиҳатдан юқори савияда бўлиши учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Миллий агентлик қошида тузилган Бадиий кенгашлар аъзолари ижодкорлар билан биргаликда изланишлари, кино фаолиятининг қамрови янада кенгайиб, умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилишида улар билан ҳамкор, ҳамнафас бўлишлари лозим.

Агар илгари ҳар йили давлат буюртмаси асосида беш ёки олтита бадиий фильм, шу миқдорда мультипликацион кинофильм, атиги ўн-ўн иккита ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинофильм ишлаб чиқарилганини назарда тутсак, Миллий агентлик ва унинг тасарруфидаги жамоалар зиммасидаги масъулият нақадар ошганини, ҳукуматимиз ишончини оқлаш учун бениҳоя катта куч-ғайрат сарфлашга тўғри келишини яққол ҳис этамиз.

Миллий агентлик тасарруфидаги киностудиялар ўтган 2004 йилда жами бешта бадиий фильмни томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Ижодий изланишлар самараси бўлган мазкур фильмлар турли жанрларда яратилган бўлиб, асосан бугунги ҳаётимиз қирраларини, қувонч ва ташвишларини анча ишонарли бадиий акс эттирган. Шунга қарамай, кўпгина киношунослар бу фильмларнинг айрим камчиликлардан холи эмаслигини, уларда катта ҳаёт манзаралари, бошқача айтганда, давр қаҳрамонлари — бунёдкорлик билан шуғулланаётган улкан шахслар яққол кўзга ташланмаслигини таъкидлашди.

Президентимиз кўпдан бери ижодкор аҳли, хусусан кино усталарига Ватан йўлида жонини фидо қилишга тайёр, миллат манфаатини ўз манфаатидан устун биладиган замондошларимиз образини яратиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини уқтириб келадилар. Дарҳақиқат, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун биринчи галда одамларимиз эришаётган тарихий ютуқларни йирик-йирик санъат асарлари, хусусан кинополотноларда акс эттириш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, халқимиз орасидан етишиб чиққан, она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбияланган, матонатли ва маънавий етук инсонлар қиёфасини экранга олиб чиқиш киноижодкорлар олдидаги масъулиятли муҳим вазифалардан бири саналади.

Ҳозирги кунда барча киноижодкорларга бирдек тегишли ушбу юмушни кўнгилдагидек адо этиш, бинобарин, бадиий фильмларда катталар ва ёшлар учун ўрнак бўладиган миллий қаҳрамон образини ҳаққоний деталларда тасвирлаш ниятида изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, дунёвий офат ҳисобланган терроризм, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик балоси ва жиноятчиликка қарши курашаётган, тинчлик- осойишталигимизни қўриқлаётган хавфсизлик хизмати ходимлари фаолиятини ишонарли бадиий бўёқларда ёритиш масаласи бугун ижодий жамоаларнинг диққат марказида турибди.

Масалан, «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр Жаҳонгир Қосимов суратга тушираётган «Ватан тупроғи» бадиий фильми мавзу жиҳатидан долзарблиги ва ғоявий-бадиий юксаклиги билан муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст сценарийси бўйича яратилаётган бу картинага яқин ўтмишда юрт хоинлари томонидан содир этилган қонли воқеалар асос қилиб олинган. Муҳими, мазкур фильмда ҳам бурчини, ҳам Ватан тупроғини муқаддас билган ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жасорати воқеалар мағзига сингдириб юборилган.

Шу кунларда яратилаётган фильмлар турли мавзуларга оид бўлиб, воқеалар талқини ва тасвирдаги янгича ёндошувлар киши эътиборини тортади. Масалан, «Ой остида» картинасида давр тақозоси билан ватанидан узоқда — айриликда яшаган инсон образини кўрамиз. У умр бўйи Ватан дийдорини соғиниб яшайди, киндик қони томган қишлоғига талпинади ва охири орзусига эришади. Қаҳрамоннинг юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати шубҳасиз томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Ота-боболаримиз тарихини ўрганиш, улар мерос қилиб қолдирган қадриятлару бугунги кун моҳиятини тушунишда, ёшлар, айниқса болалар ва ўсмирларни маънавий-маърифий, эстетик жиҳатдан тарбиялаб, камолга етказишда мультипликацион фильмлар алоҳида ўрин тутади.

Юқоридаги қарорда бу соҳани янада ривожлантириш, яъни бир йилда шу йўналишда ишлаб чиқариладиган картиналар сонини 10 тага етказиш белгилаб берилгани ижодкорларимизда ҳам алоҳида масъулият уйғотди. Ана шу эътибордан руҳланиб, «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультипликацион кино бирлашмасида болалар ва ўсмирларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда мультипликацион фильмлардан самарали фойдаланиш бўйича бир неча йилларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилди.

Ҳозир режиссёрлар Светлана Муродхўжаева кичкинтой томошабинларга мўлжалланган «Зардушт юлдузи», Нозим Тўлахўжаев «Қушлар», Галина Матевосян «Сеҳрланган малика», Мавзур Маҳмудов «Тақа» каби мультфильмларни тасвирга туширмоқда. Тез орада экранга чиқадиган бу картиналарда эзгулик ва ёвузлик, олижаноблик ва жаҳолат, муҳаббат ва нафрат, нафс ва қаноат ўртасидаги азалий тўқнашувлар қизиқарли сюжетлар асосида талқин қилингани билан эътиборга моликдир.

Умуман олганда, бугун киноижодкорларимиз мустабид тузум даврида шаклланган тор қолипдаги фильмлар ўрнига халқимизнинг чинакам миллий қадриятларини акс эттирувчи фильмлар яратиш йўлида изланмоқдалар. Бироқ қилинаётган саъйҳаракатларга қарамасдан, айни пайтда миллий кино яратишдаги ишлар кўлами ва савияси ҳали бизни тўла-тўкис қаноатлантирмайди. Қолаверса, талабчан томошабин кино усталаридан маданий ҳаётимизда том маънода воқеа бўладиган, ҳар томонлама юксак савиядаги фильмларни кутмоқда.

Дарвоқе, келгусида ватанпарварлик, халқпарварлик, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, садоқат ва матонатни улуғловчи, ҳаётни бор мураккабликлари билан қамраб олувчи, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашларни тўлақонли акс эттирган, шунингдек, замондош инсон руҳияти ва феъл-атворини теран очиб берувчи асарларга репертуарлардан кенг ўрин бериш мўлжаллангани айни муддао бўлди...

Афсуски, бу борада ҳам бир қатор ҳал этилиши зарур масалалар мавжудки, уни четлаб ўтолмаймиз. Сўз ҳар жиҳатдан етук кино ҳақидаги орзуларимиз ушалиши учун имкон яратадиган, мазмунан теран, ғоявий-бадиий жиҳатдан юқори савиядаги адабий сценарийлар ҳақида бормоқда.

Тўғриси, Миллий агентликнинг бадиий, мультипликацион кино, видеофильмлар учун сценарийлар тайёрлаш ва тематик режалаштириш бўлимига турли жанрларда ёзилган адабий сценарийлар узлуксиз оқиб келади. Лекин саралаш пайтида уларнинг асосий қисми талабга жавоб бермаслиги аён бўлмоқда. Агентлик билан ҳамкорлик қилишга интилаётган кўпгина кинодраматурглар реал ҳаётдан, кун тартибидаги долзарб мавзулардан йироқлашиб кетгани, воқеа-ҳодисаларни бадиий синтез қилиш маҳоратини пухта эгалламагани натижасида юзаки, асосан икир-чикир воқеалардан иборат «асар»лар пайдо бўлмоқда. Афсуски, бундай муаллифлар миллийлик моҳиятини саёз тушуниши, аниқроғи халқимиз руҳияти, феъл-атвори, турмуш тарзи ва урф-одатларини пухта билмасликлари, ҳатто Ғарбга тақлидан «асар» битишлари оқибатида ушбу ҳолат юзага келмоқда.

Бизнинг фикримизча, миллий қаҳрамон деганда ҳамма нарсага бир хилда қарайдиган, нуқул баландпарвоз гапирадиган, оғир юмушларни бирпасда бажариб ташлайдиган, иссиқ-совуқни назар-писанд қилмайдиган шахсни гавдалантириш бирёқламаликдан бошқа нарса эмас. Миллий қаҳрамон аввало, қайси соҳада бўлмасин, оддий инсон сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ. Йўлидаги тўсиқларни енга бориб у ниҳоят покланади, жисмонан чиниқади ва маънан камолотга етади.

Афсуски, мана шундай руҳдаги, янгича қарашлар билан яшаётган, ҳаётий зиддиятлар орқали ўзини излаётган замондош қаҳрамонлар образини муфассал тасвирлаб берадиган асарлар жуда кам. Бундай сценарийларни кўпайтириш учун юқори профессионал маҳоратга эга бўлган, миллийлик мазмун-моҳиятини пухта биладиган ёзувчи ва кинодраматургларимиз ёрдамга келишлари керак.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани тилга олиб ўтиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кинематография соҳасини замонавий кинотехнологик жиҳозлар билан таъминлаш бўйича зарур маблағ ажратиш лозимлиги қайд этилган. Дарҳақиқат, Миллий агентлик техникавий базаси юксак талаб даражасида эмас, кўпгина ускуналар аллақачон эскирган. Қолаверса, унинг ҳозирги аҳволи йиллик фильмлар ишлаб чиқариш режасини бажариш учун имкон бермайди.

Миллий кино олдида турган шунга ўхшаш катта-кичик муаммолар яқин кунларда муваффақиятли ҳал этилиши шубҳасиз. Ана шунда ижодий изланишлар тўла рўёбга чиқиши, миллий кинематография чинакам тараққиёт поғонасига кўтарилиши, жаҳон киносининг юксак намуналари билан рақобатлаша оладиган картиналар яратилиши учун шароит янада яхшиланишига ишончимиз комил.

**Асад ДИЛМУРОД**



Қашқадарё вилоятидаги
**ШАҲРИСАБЗ «МЕВАЛАР КАМАЛАГИ»**
Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини
МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
14 ЙИЛЛИК ТАНТАНАЛАРИ
билан самимий муборакбод этади.

Мустақиллик йиллари юртимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бу узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг, халқимиз бунёдкорлик меҳнатининг ёрқин самарасидир. Республикамизнинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай ҳаракат қиламиз.

*Ватанимиз тараққиёти, равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг барчасига ушбу қутлуғ ва қувончли кунларда тинчлик, саломатлик, фаровонлик, хонадонига қут-барака тилаймиз!*



# ОЗОД ЭЛНИНГ ОБОД МАСКАНИ

**Мустақиллик байрами арафасида пойтахт вилоятининг қатор туман ва шаҳарларида аҳолига маиший ҳамда савдо хизмати кўрсатувчи гузарлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда**

Буни вилоятнинг Тошкент тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу йил мобайнида барча турдаги қурилишлар учун молиявий манбалар ҳисобидан 4 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида, мазкур тумандаги кўпгина маҳаллаларда аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган қатор гузарларни фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Замонавий, қолаверса, халқ меъморчилигининг турли усуллари уйғунлиги асосида барпо этилаётган бу гузарлар маҳаллаларга ўзгача бир чирой бахш этиб турибди. Туманнинг Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Раҳбаробод», Муҳаммаджон Фозилов номли ширкат хўжалигидаги гузарлар ана шулар жумласидандир. Бу масканлар байрам арафасида аҳолига хизмат кўрсата бошлайди. Бундан ташқари, Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ҳудудида 400 ўринли тўй-маросимлар ўтказишга мўлжалланган кошона ҳам байрам арафасида маҳалла ихтиёрига топширилади, қатор савдо дўконлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ишга туширилади. Энг муҳими, бу каби хайрли ишларнинг ташаббускорлари тадбиркорлар бўлмоқда.

— Инсон ўзининг яхши амаллари билан атрофдагилар ишончига киради, ҳурмат-эътибор қозонади, — дейди тумандаги С.Раҳимов ширкат хўжалиги раиси Султон Ҳамидов. — Демак, яхшилик одамлар кўнглини обод қилади, бир-бирига меҳр уйғотади. Яшаётган уйимиз, маҳалламиз атрофига қараб одамлар бизга баҳо беради.

**Соҳибжон ТЎХТАМУРОДОВ**



# НУКУС БАЙРАМ АРАФАСИДА

Нукус — Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам индустриал, ҳам маданий-маънавий, ҳам маъмурий маркази. Шаҳар аҳли мустақилликнинг 14 йиллиги байрамига муносиб тайёргарлик билан келди. 21-,22-,23-кичик туманлар, 61-мавзе ва «Сарвиноз» турар-жой даҳасидаги кўп қаватли уйлар сифатли таъмирдан чиқарилди. 102 та подъезд ҳомийлар томонидан таъмирланди. Болаларни соғломлаштириш маркази, аквапарк, минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуаси қурилишлари фойдаланишга топширилди.

Шаҳарда, айниқса, мактаб ва бошқа илм масканлари ривожига катта эътибор берилаяпти: 3 та мактаб тўла таъмирланиб, 21-, 24-, 31-мактаблар реконструкция қилинди. «Бўзовул» турар-жой даҳасида 630 ўринли янги мактаб қурилиши ниҳоясига етди. Яқинда Ш.Рашидов кўчасидаги «Манеж» спорт мажмуаси, «Қорақалпоғистон» кўчасидаги спорт коллежи ва «Турон» марказий стадионлари реконструкцияси якунланди.

— Яқин келажакда шаҳримиз қиёфаси яна кўркамлашади, — дейди **шаҳар бош архитектори Парахат Ешжанов.** — Кичик ҳалқа йўли ва Қизкеткен анҳоридан ўтадиган кўприк ҳамда унга борадиган йўллар қурилиши тайёргарлиги кўрилаяпти. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар атрофларида ободонлаштириш ишлари жадал бормоқда.

Шунингдек, эски шаҳардан темир йўл вокзалигача ва ундан Қизкеткен посёлкасигача бўлган масофада ҳамда Нукус — Хўжайли оралиғида троллейбус қатнови ҳаракатга келади.

Бундай ишлар учун шу йилнинг биргина ўтган ойлари давомида шаҳардаги қурилиш монтаж корхоналари ва ташкилотлари томонидан 10 миллиард 436 миллион 300 минг сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. 3 миллиард 46 миллион 600 минг сўмлик асосий жамғармалар ишга туширилди. 25,2 минг квадрат метр турар-жой иншоотлари фойдаланишга топширилди. 600 ўринли қурилиш коллежи биноси ва унинг 100 ўринли ётоқхонаси қурилиши битказилди.

— Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда барча имкониятлардан иложи борича самарали фойдаланиш йўлини тутаяпмиз, — суҳбатга қўшилди **шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ишлари бўйича ўринбосари Ғайрат Алланазаров.** — Бу йил ўтган йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш, чакана савдо айланмасида пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажмлари ўсишига эришилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 13 миллиард 8 миллион 500 минг сўмни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 7 миллиард 862 миллион 900 минг сўмни ташкил этди. Капитал маблағларни ўзлаштириш ҳажми 10 миллиард 436 миллион 300 минг сўмга, чакана савдо ҳажми 17 миллиард 95 миллион сўмга етди. Аҳолига 7 миллиард 139 миллион сўмлик пуллик, 486,1 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Йил бошидан буён чет эл сармоялари иштирокида 3 та қўшма корхона ташкил этилди. Шу кунга келиб, шаҳарда қўшма корхоналар сони 17 тага етди. Улар томонидан 3 миллиард 810 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу жумладан экспорт ҳажми — 3 миллиард 70 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

Шаҳарда 49 та умумтаълим мактаби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, Нукус давлат университети, педагогика институти, Тошкент давлат педиатрия институти ва Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиаллари, 18 та ўрта махсус ўқув юрти, 52 та болалар боғчаси фаолият кўрсатмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган иккита шифохонада аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ишлари намунали олиб борилаяпти. Бу соҳада 378 нафар шифокор ва минг нафарга яқин ҳамшира хизматда...

...Маълумотлардан кўриниб турибдики, бугун мамлакатимизнинг барча шаҳарлари каби Нукус ҳам Улуғ байрамга улуғвор ишлари ва яқин келажакдаги ойдин режалари билан бормоқда.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

## МУЗОКАРАЛАРНИНГ ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧИ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Шимолий Кореянинг ядро дастури муаммолари бўйича неча йиллардан бери ўтказилаётган музокараларнинг тўртинчи босқичини давом эттириш масалаларини муҳокама этиш учун Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар вазири ўринбосари У Давэй кеча Корея Халқ Демократик Республикасига ташриф буюрди. Мазкур ташриф 30 августгача давом этади. Бу ҳақда «Синхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

ХХР ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин журналистларга шуни маълум қилдики, ядро дастури муаммоларига бағишланган музокараларнинг тўртинчи босқичи келаётган ҳафтада давом эттирилиши мумкин. Ҳозирча аниқ сана белгиланган йўқ.

Маълумки, 26 июлдан 7 августгача давом этган музокараларнинг тўртинчи босқичи иштирокчилари эълон қилишган эди. Эндиликда улар танаффус муддати якунланганини ва музокаралар столига ўтириш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Эслатиб ўтамиз, олти томонлама музокара иштирокчилари: КХДР, Хитой, АҚШ, Россия, Япония ва Жанубий Корея.

## МУҲОКАМА ЯКУНЛАНДИ

Ироқ етакчилари ўртасида бўлиб ўтган мамлакатнинг янги Конституцияси лойиҳаси бўйича муҳокамалар деярли якунланди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги. Буни парламент спикери Ҳожим ал-Ҳасани ҳам тасдиқлади.

Бу борадаги якуний қарор бугун қабул қилинади.

Суннийлар талабини қондириш учун кўпчиликни ташкил этган шиалар Конституцияга талайгина ўзгартишлар киритишди.

Ал-Ҳасанининг айтишича, агар бугун ҳам Конституция лойиҳаси бўйича томонлар якуний тўхтамга кела олмасалар, барибир энди муҳокамага қўйилмайди, балки суннийлар партияси қўллаб-қувватловисиз ҳам шундоқ ҳолича референдумга олиб чиқилади.

Суннийлар партияси вакилларидан бири Солих ал-Мутлақ 15 октябрь куни бўлиб ўтадиган референдумда халқни лойиҳага қарши овоз беришга чақирди.

Суннийлар Конституция лойиҳасидаги «федерализм» атамасига қарши чиқмоқдалар. Уларнинг айтишича, федерализм ғоясининг амалиётга кириб келиши давлатнинг парчаланишини тезлатади.

## МДҲ ТАРКИБИДАН ЧИҚАДИ

Россияда чоп этиладиган «Коммерсант» газетасида ёзишларича, Туркманистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига доимий аъзолик таркибидан чиқади ва ушбу халқаро ташкилот уюштирган расмий тадбирларда, гарчи аъзоликдан чиққан бўлсада, хоҳлаган пайтда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни имзолайди.

Маълумки, Қозон шаҳрида бўлиб ўтган МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашувига Туркманбоши ташриф буюрмади. У ўзининг ўрнига мамлакат бош вазири ўринбосари Оғаниёз Акиевни жўнатди. Оғаниёз Акиев эса ушбу саммитда Туркманбоши режалари ҳақида маълум қилди.

Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавровнинг таъкидлашича, тор доирадаги муҳокамалардан сўнг шундай қарорга келиндики, эндиликда Туркманистон МДҲ Ижроия қўмитаси билан алоҳида, яъни МДҲга аъзо ҳар бир давлат ва шунингдек, Туркманистоннинг ўзи учун манфаатли бўлган битим тузади.

## ОММАВИЙ ТОЗАЛОВ

Саудия Арабистони полицияси оммавий тозалов ўтказди. Ички ишлар вазирлигининг расмий вакили берган маълумотларга қараганда, мамлакат бўйлаб ўтказилган кенг қамровли рейд давомида террор фаолиятига алоқадорликда гумон қилинаётган 41 нафар шахс қамоққа олинди ва бу билан содир этилиши мумкин бўлган терроларнинг олди олинди.

Маҳаллий телевидение хавфсизлик кучларининг жангарилар билан отишмаларини, сапёрларнинг террорчилар яширинган уйларни қандай портлатганини очиқ-ойдин намойиш этди.

Маълумки, ушбу операция «Ал-Қоида»нинг Саудия Арабистонидаги раҳбари Солих ал-Ауфининг ўлимидан сўнг 10 кун ўтгач амалга оширилди. Солих ал-Ауфи 18 август куни мамлакатда террорчиларни қўлга олиш бўйича амалга оширилган оммавий тадбирлар пайтида ўз жонига қасд қилган.

## ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛДИ

Покистон армиясининг расмий вакили, генерал Шавкат Султон ошкор этган манбаларга асосланиб «Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича Покистоннинг беш нафар фуқароси (улардан бири ҳарбий хизматчи, тўрттаси оддий фуқаро) мамлакат ҳарбий суди томонидан ўлим жазосига ҳукм этилди. Улар 2003 йил декабрда Покистон Президенти, генерал Парвез Мушаррафга суиқасд уюштирганликда айбланди.

Умуман, мазкур иш юзасидан 8 киши жазога тортилган. Уч киши қамоқ жазосига (шулардан бири умрбод қамоққа) маҳкум этилган.

Эслатиб ўтамиз: 2003 йил 14 декабрь куни террорчилар Президент кортежи Исломободдаги кўприкдан ўтиб кетаётган пайтга мўлжаллаб, портлаш содир этишади. Хайриятки, бу пайтда кортеж ўтиб кетганига бир неча сония бўлган эди, шунинг учун ҳеч ким зарар кўрмади. Сўнг 25 декабрь куни яна икки террорчи-камикадзе Президент кортежи Равалпинди шаҳридан ўтиб кетаётган пайтда портлаш содир этади. Мушаррафга ҳеч нарса бўлмайди, лекин ўша портлаш оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмади.

Жазога маҳкум этилганлар ўша кунги терророга алоқаси борлардир.

Бу жиноятчиларнинг бари «Ал-Қоида»нинг таниқли террорчиси Ал-Либи билан алоқаси бор, дея тахмин қилинмоқда. Маълумки, Ал-Либи шу йил Покистонда қўлга олинган ва АҚШ ихтиёрига топширилган.

## ВИРУС МУАЛЛИФИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ



Марокаш қироллиги полицияси Zotop деб номланган компьютер вирусини яратганликда гумон қилинаётган йигитни мамлакат пойтахти Работда қамоққа олди.

Ушбу вирус 2004 йил 16 август куни Американинг йирик оммавий ахборот воситалари, Конгресс, Сан-Франциско халқаро аэропорти, шунингдек, Европа ва Осиёдаги минглаб компьютер тармоқларини ишдан чиқарган.

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, вирус муаллифини топиш учун Марокаш хавфсизлик кучлари АҚШ Федерал қидирув маҳкамаси билан ҳамкорликда ҳаракат қилди ва Америка компанияларини компьютерларига вирус қаёқдан «юққанлиги»ни аниқладилар, яъни вируснинг изига тушдилар. Бу из Марокаш ахборот интернет-сайтлари томон бошлади. Шундай қилиб вирус муаллифи қўлга олинди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Zotop вируси Windowsнинг операция тизимига кириб, дастурдаги бўш жойларни аниқлайди ва зарарланган компьютердан хоҳлаган ахборотни йўқ қилишда хакерларга ёрдам беради.

Интер-спорт

## УЕФАНИНГ ТАШВИШИ



Европа футбол уюшмаси энг оммавий спорт турларидан саналган футболнинг куни бебилиска сармояларга қолаётганидан ташвишда эканини баён этди. Бу ҳақда УЕФА Европа Иттифоқи комиссиясига мурожаат қилиб, турли криминаллардан тушаётган «қора» пулларни «ҳалоллаш»ни илтимос қилди. «Сармояларни «ҳалоллаш» балки ташвиш уйғотар, — дейди УЕФА президенти Леннарт Юханссон. — Лекин албатта, бунинг олдини олишимиз керак. УЕФА ижрочи директори Ларс-Кристер Ольссон: «Футбол сўзсиз жозибадор спорт. Баъзилар ҳатто футболга катта маблағни ўтказиб, унинг 15 фоизини «қора» ишлар учун ажратишлари ҳеч гап эмас. Нима бўлганда ҳам биров футболдан, бошқаси ноқонуний даромаддан завқланса керак», деган фикрда. Қисқаси, УЕФА ўзининг алоҳида қоидаларини ишлаб чиқмоқчи.

## «САНТОС» ВАГНЕР УЧУН 10 МИЛЛИОН БЕРМОҚЧИ



Бразилиянинг «Сантос» футбол клуби президенти Марсело Тейшейр ЦСКА ҳужумчиси Вагнер Лавани сотиб олиш нияти борлигини баён қилди. Маълумки, «Сантос» клуби Робиньони «Реал»га 30 миллион долларга пуллаган эди. Лекин, Робиньо ўрнини тўлдириш учун қилинаётган ҳаракатлар зое кетмоқда. Франс, Нилмар, Денилсон каби футболчилар ҳам «Сантос»га ўтишга розилик беришмади. Шунинг учун Тейшейр УЕФА кубоги соҳиби Вагнерни «Сантос»га олишга қарор қилди. Аввал клуб президенти Вагнерни шунчаки «ижарага» олмоқчи эди. Лекин ЦСКА бу ҳақда эшитишни ҳам истамади. Шундан кейин Тейшейр Вагнерни камида 10 миллион долларга сотиб олмоқчи, керак бўлса бу нархни 15 миллионга кўтармоқчи эканини маълум қилди.

Таҳририятимиз меҳмони

# «КЕЛИН-КУЁВ» ЎЗ АНЪАНАСИДАН ЧЕКИНДИ

## НАВБАТДАГИ КЎРСАТУВ ҚАҲРАМОНЛАРИ ХОРИЖЛИК КЕЛИН-КУЁВЛАР БЎЛИШАДИ

**Ҳозир, тўғриси, телекўрсатувлар ҳақида гап кетса, кўпчилик оддий томошабинлар «Келин-куёв»ни тилга олишади. Дарҳақиқат, бу кўрсатув томошабинларда тобора кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда таҳририятимизга келган мактубда газетхонларимиздан бири мана шу кўрсатув ҳақида маълумот беришимизни сўраган. Бу қизиқиш бошқаларда ҳам бўлиши табиий. Эътиборингизга мухбиримизнинг кўрсатув муаллифи ва бошловчиси Соат ШАРИПОВ билан суҳбатини ҳавола этмоқдамиз.**



**— Айтинг-чи, нега телешоуга «танишув воқеаси» билан боғлиқ саволни асос қилиб олгансиз?**

— Маълумки, тўйлар бизда энг муқаддас қадрият ҳисобланади. Халқимизнинг ушбу маросим билан боғлиқ жуда кўплаб урф-одатларидан бири, йигит ва қизнинг илк учрашуви ёки танишув жараёнидир. Бизнинг кўрсатувимизга айнан «Сиз қандай қилиб танишгансиз?» деган саволни қўйишимиздан мақсад, мана шу жараёнда кўплаб қизиқарли воқеалар бўлиши, ушбу биринчи учрашув келин-куёвнинг бир умр ёдида қолишини ҳисобга олиб, унинг тарбиявий томонларини очиб бериш. Яъни, кўпинча айрим ёшларимиз бу одатни яхши билмасликлари натижасида илк учрашувдаёқ хатога йўл қўйишади ва оқибатда томонлардан бири иккинчисида нохуш таассурот қолдириши мумкин. Шу боис, бўлажак келин-куёвларга оиланинг шу каби нозик қирраларини ҳам англатишга қарор қилганмиз. Қолаверса, ўзбек халқининг . тўй-маросимларида қариндош-уруғларнинг танишув урф-одати борки, бу ҳам катта тарбиявий мактаб.

«Келин-куёв» кўрсатувининг характерли томони, унда илгаригидек ўринлар йўқ. Ҳар кимнинг имконияти, фикр доирасидан келиб чиқиб берган жавобларига томошабиннинг ўзи баҳо беради. Бундан ташқари, бизнинг саволларимиз оилалардаги айрим муаммоларни ечишга сабаб бўлса, бу ҳам одамларни қизиқтиради.

**— Шарқда оила муқаддас ҳисобланади. Сизлар ушбу кўрсатув орқали ўзбек оиласининг кўпроқ қайси жиҳатларига эътибор қаратишни мақсад қилгансизлар?**

— Ҳар бир оиланинг ўз ташвиши, муаммолари бўлади. Ҳаётнинг шундай синовлари борки, у ҳар қандай кишидан хулосалар чиқариб яшашни талаб этади. Масалан, биздаги отанинг ўғилга, онанинг қизига нисбатан муносабати ҳам ҳеч бир ерда йўқ тушунча.

Кўрсатувимизнинг номи «Келин-куёв» бўлгани учун биз қатнашчиларимизга оиладаги ўғил ва қиз тарбияси билан боғлиқ саволларни ҳам берамиз. Яна кўрсатувда шундай савол-жавоблар бўладики, биз уларни оилада юз бериши мумкин бўлган муқаррар ҳолатларни ечишда ёрдам бўладими деган мақсадда уюштирамиз.

Мана бир мисол. Яқинда ўчтўртта аёл қўнғироқ қилиб шундай таклиф билдиришди: «Учта қизимиз бор, жуда ақлли, ҳамма ҳавас қиладиган. Лекин уларга мос куёв тополмаяпмиз. Шу билан бирга вояга етган ўғлимиз ҳам бор. Унга ҳам кўнглимиздагидек қиз учрамаяпти. Биз нима қилишимиз керак, мана шу масаланиям кўрсатувингизга олиб чиқсангиз», дейишди. Аслида бу ҳар битта ота-онанинг орзуси. Ўғил уйлаб, қиз узатиш ниятида бўлганлар борки, уларни мана шу муаммо ташвишга солади.

Биз кўрсатувимиз орқали нима қилинса оилаларимиз бахтли бўлиши, қандай йўл тутилса тўйларимиз чиройли ва файзли ўтиши, қайнона-келин муносабатларини тўғри йўлга қўйишга оид масалаларни ҳам очиб беришга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, кўрсатувимизда айримларга ўрнак сифатида тарбиявий таъсирга эга бўлган лавҳалар бера бошладик.

**— Олдинги кўрсатувларингизда қатнашувчи келин-куёвларнинг асосан тўйгача бўлган танишувлари, ўша жараёндаги қизиқарли воқеалар ҳақида савол-жавоблар бўларди. Бироқ яқинда телешоунинг йўналиши ўзгариб, унга янгича шартлар киритилди. Нима сабабдан бундай қилинди?**

— Шу пайтгача «Келин-куёв» кўрсатувининг 100 дан ортиқ сонини эфирга бердик. Лекин кейинги пайтда кўпчилик кўрсатувлар бир хил бўлиб қолди, деган фикрни билдира бошлади. Лекин танишув бир хил бўлгани билан ундаги қаҳрамонлар бошқа-бошқа. Табиийки, у ҳар кимнинг ҳаётида ҳар хил кечади. Шундай бўлсада, томошабин фикри билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Юқоридаги фикрлардан сўнг кўрсатувимизга янгича шартлар олиб киришга қарор қилдик. Икки сондан буён телешоуга ҳар хил ўйинлар, мусобақалар киритилди. Қатнашувчиларнинг зукколиги, топқирлигини синаш мақсадида жумбоқли савол шартларини ҳам жорий этдик.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардим. «Келин-куёв» ҳамиша қизиқарлилиги билан ажралиб туриши керак. Йўқса унинг шоулиги қолмайди. Бироқ, биз кўрсатув саёзлашиб кетмаслиги учун унга жиддий саволларни киритамизки, у қатнашувчидан ҳам томошабинни зериктирмайдиган, ҳам мантиқан чуқур ўйланган жавобни талаб этади. Кўпинча мана шундай ҳолларда айрим келин-куёвларимиз бунга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолади...

**— «Келин-куёв»нинг навбатдаги сони Мустақиллик байрамига бағишлаб тайёрланаётган экан. Унда қандай янгиликлар бўлади, шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз?**

— Айтиб ўтганимдек, биз ҳар галги кўрсатувимизни одамлар қизиқиш билан қарши оладиган, кутилмаган янгиликларга бой тарзда тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда «Келин-куёв»нинг 103-сонини мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб тайёрлашга қарор қилдик. Ушбу кўрсатувнинг муҳим янгилиги — унга ўз анъаналаримиздан чекинган ҳолда хорижлик келин-куёвларни таклиф қилдик. Биз байрам арафасида кўплаб мухлисларимизнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб Ҳиндистон, Хитой ва Афғонистон давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари билан келишган ҳолда юртимизда фаолият юритаётган хорижликларни кўрсатувимизда қатнашишларига розилик олдик. Кўрсатувимизда ҳинд, хитой, афғонча мусиқа ва рақслар ижро этилади, меҳмонларимиз ўз халқининг урф-одати, қизиқарли удумлари ҳақида сўзлаб беришади. «Келин-куёв»нинг ушбу сони юртдошларимизга чинакам байрам совғаси бўлади, деб умид қиламиз.



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**
**суҳбатлашди**

***Суратларда:*** *«Келин-куёв» телекўрсатувининг Мустақиллик байрамига бағишланган махсус сонидан лавҳалар.*

Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.

Истеъмол кредитлар тез ва осон пул тўлаш.

Ҳар ойда ўртача ойлик қолдиққа 1.33% даромад тўлаш.

Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.

Қалбаки қоғоз пуллар хавф - хатари истисно қилинади.

Ўзингиз томонидан харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.

Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.

«АСАКА» Давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси Ўзбекистон халқини ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 йиллик байрами билан табриклайди ва Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА - замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!




Мурожаат учун телефонлар:
120-83-14, 120-39-18, 144-56-55
125-50-26, 120-84-07

Тадбир

## САНЪАТ ВА СПОРТ ГЎЗАЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги «Ибн Сино» номли маданият маркази ва «Умид» ёшлар қўшиқ-рақс студияси жамоалари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб «Санъат ва спорт гўзалликка чорлайди» деб номланган катта байрам тадбири ўтказилди.

Қўш карнай ва сурнайлар садоси билан бошланган тадбирда «Ибн Сино», «Бел тепа», «Жар ариқ», «Шодлик» маҳалла фуқаролари ҳамда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимиятларининг вакиллари, машҳур санъат арбоблари, ёзувчи-шоирлар, фан, тиббиёт, халқ таълими ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси Пўлат Носиров «Ўзбекистон, истиқлол, мустақил диёр» шеърини ўқиганда гулдурос қарсаклар янгради. Сўнгра «Умид» ёшлар қўшиқ-рақс студияси ва болалар ансамбллари доирачилар жўрлигида «Мустақиллик гулғунчалари» рақс композициясини ижро этдилар.

Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Қундуз Миркаримова, «Ниҳол» мукофотининг совриндори Дилноза Мирзахўжаева, хонандалар Раъно Анназарова, Бахтиёр Тўлаганов, Содиқжон Раҳимов, Умаржон Шамсиев, Диёр Маҳкамов ва бошқалар мустақиллигимизни улуғловчи сўзлар айтдилар, қўшиқлар куйладилар. Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева раҳбарлигидаги Мукаррама Турғунбоева номли «Баҳор» халқ рақс ансамблининг гўзал ва мафтункор рақслари байрамга алоҳида файз киритди.

Сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов, Шайхонтоҳур туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Рамзиддин Қодиров, ЎзХДП туман кенгаши раиси Ҳайдарали Бобохонов ва бошқалар ушбу тадбирнинг аҳамияти, ёшлар тарбиясига таъсири ҳақида фикр юритдилар.

**Ҳамида ҚОСИМОВА,**
**Абдулла ҚУРБОНОВ**

Биз билган ва билмаган тарих

# БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

### ДИПЛОМАТИЯДА ШАХС МАВҚЕИ

Маълумки, ҳар қандай дипломатик жараён биринчи навбатда одамларнинг ўзаро муносабатлари маҳсулидир. Шунинг учун шахснинг бу жараёндаги мавқеи алоҳида аҳамиятга молик. Заҳириддин Бобурнинг ҳар бир кишига сиёсий, маънавий ва руҳий таъсир ўтказишни аниқ билиши унга жуда кўп мураккаб вазиятлардан чиқишга, дипломатик музокараларни тўғри ҳал этишига асос бўлган. Лекин ҳамма вақт ҳам масала Бобур фойдасига ечилавермаган.

Самарқанд ва Андижон тахти учун Султон Аҳмад Танбал ва унинг тарафдорлари билан бўлган муҳорабалар, ҳисобсиз дипломатик музоралар шу даражада чигаллашиб кетган эдики, анча тажрибали бўлиб қолган Бобур учун ҳам унинг ечимини топиш мушкул эди. Ушбу ҳолатда Султон Абу Саид мирзонинг ўғли Султон Маҳмудхон, Жаҳонгир мирзо ҳамда Андижон ва Ахсида ўз тарафдорларининг бош бўлишини тилаб Бобурга нисбатан иккиюзламачилик йўлига ўтган Узун Ҳасан, Али Дўст ва бошқаларнинг ўзаро муносабатларидан чиқиб кетиш анча мушкил эди. Бунинг устига Бобурнинг хон боболари ҳам Андижон мулкига эгалик қилиш учун ўз мартабалари ва дипломатик тажрибаларини ишга солиб ҳаракатда эдилар.

Бобур хон боболарининг сўзини икки қилишга журъат этмаганлигини аниқ ифодалар экан, ўз навбатида бошқа йўлларни қидиради, ақл тарозисида ўлчаб кўради: *«Султон Маҳмудхондин агарчи муътаддун биҳ мадад ва кўмак бўлмас эди, вале Самарқанд фатҳидин сўнг Андижонни тамаъ қилур эди. Бу фурсаттаким аксар черик эли ва мўғуллар тамом қочиб Андижон, Ахсиға бордилар, Узун Ҳасан ва Танбал ул вилоятларни Жаҳонгир мирзоға тамаъ қилдилар. Неча жиҳатдин мумкин эмас эрдиким, аларға берилғай.* ***Бири будирким***, *агарчи хонқа бу вилоятларни ваъда қилилмайдур эди, вале хон тилаб эди.* ***Хон тилаб туруб, Жаҳонгир мирзоға берилса, хон била тамом якрў бўлмоқ керак эди. Яна бири букім,*** *мундоқ маҳалдаким эл қочиб ул вилоятға борди, таҳаккум тариқи била тамаъ қиладур, агар бурунроқ бу сўз арода бўлса эди, филжумла важҳи бор эди аларнинг таҳаккумини ким тортар бўлғай?»*

Ушбу жумлада Бобурнинг жуда нозик дипломатик хулосаси мавжуд. Феодал қарама-қаршиликлар, бош-бошдоқлик туфайли пароканда бўлган қўшин бир султондан қочиб иккинчисига ўтишини ва уларга нисбатан ҳукм чиқаришни Бобур мантиқсизликка йўяди. Бу ҳукм улар ғаним томонга ўтмасдан берилганда, ўринли бўлишини таъкидлаган Бобур ушбу жумбоқни ечиш йўлларини қидиради. Ана шу фурсатда Бобур қўл остидаги кишилардан юксак даражада маҳорат кўрсатиб фойдаланади.

Шаҳзода ва бекларнинг беҳисоб муҳорабаларидан эл-улус жуда ваҳимага тушган эди. Уларни қўрқувдан халос қилиш, бошга тушган кулфат вақтинчалик эканлигини уларга етказиш лозим бўлган. Бироқ, буни амалга ошириш унчалик ҳам осон эмас *«Элни худ бу муфаттинлар била ҳаромнамаклар андоқ қилиб эдиларким, ваъда ва ваид ва насиҳат ва таҳдид ҳеч фойда қилмас эди»*. Шунга қарамасдан, Бобур Тўлин Хожа исмли бекининг обрў-эътибори, маҳаллий аҳолини яхши билишидан фойдаланишга қарор қилади, бу режа эса яхши натижа беради: *«...Мўғуллар ичида риоят қилғон эътимодлиқ кишимиз Тўлун Хожа учун Самарқандтин мўғул улуси қоча киришганда Тўлун хожани йиборилиб эрдиккім, элга насиҳат қилиб таваққумни хотирларидан чиқарғой, то эл қўрқунчтин сар ба бод бермағайлар»*.

Дипломатик муносабатлар ҳамиша ҳам нозик бўлган. Айниқса у муҳораба, уруш жараёнлари билан боғлиқ бўлса масалани ҳал этиш янада мушкуллашади. Заҳириддин Бобур тасвирида Султон Аҳмад мирзо — Самарқанд ҳокими, Абусаид мирзонинг фарзанди камсуқум киши бўлиб, агарчи саводи баланд бўлмаса ҳам одамийлиги, Хожа Аҳрор Валига юксак эътиқодли, имон-инсофли, диёнатли шахс бўлиб гавдаланади. У Ўратепа, Хўжанд ва Марғилонни олиб, Андижонни Қубо деган манзилига келиб Бобурга мазкур юртларни бошқаришни беклари билан маслаҳат этади. Бу мажлис Бобур фойдасига ҳал бўлмайди, Аҳмад мирзонинг беклари ва султонлари унинг фикрига рози бўлмайди. Бироқ Бобур, унинг йўлини Оллоҳ ҳамиша ёруғ этганини билдириб, уч жиҳатдан унга тақдир кулиб боққанлигини, шу боис *«зарурат бўлуб, Андижоннинг бир йиғочидин Дарвеш Муҳаммад тархонни йибордилар, ичкаридан Ҳасан Яъқуб намозгоҳ навоҳисида чиқиб кўрушуб,* ***сулғгуна қилиб ёндилар»***, дейди.

Бобурнинг Султон Аҳмад мирзога берган баҳоси дипломатик муносабат маъносида ҳам, давлатчилик нуқтаи назаридан ҳам киши диққатини тортади. Бунда гап салтанатни одиллик билан бошқариш ҳақида кетмоқда. Бобурнинг ёзишича, Султон Аҳмад ўз қаламравидаги барча масалаларни ўзининг беклари билан маслаҳатлашиб бажарган. Албатта, қадимдан давлатни маслаҳат билан бошқариш тўғри йўл бўлиб келган. Бироқ, бу усул ҳамма вақт ҳам ижобий натижа бермаган. Бобур бунда «беклар бу сўзларга мултафит бўлмай, дурушт жавоблар айтиб, илгарига кўчтилар» дер экан, бу дипломатик машварат ҳукмдор фойдасига эмас, беклар манфаатига ҳал бўлганлигини таъкидламоқда.

Бобур Султон Аҳмаднинг ижобий томонларини тан олганидек, унинг давлат бошқарувидаги ожизлиги, дипломатик музокараларда мустақил фикрга эга эмаслигига ишора қилиб, баъзи пайтда юрт султони охирги қарор чиқаришни ўзида қолдириши, масалани ўз мулки манфаатига қаратишини маъқул деб ҳисоблайди: *«Султон Аҳмад мирзоким, камсухан ва фақир ва одми киши эди, ҳар сўз-ун ва иш-куч бекларсиз қарор топмас эди, беклар бу сўзларга мултафит бўлмай, дурушт жавоблар айтиб, илгарига кўчтилар. Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи била ҳар ишимни ҳар маҳалда андоққим бояду шояд беминнати махлуқ рост келтирибдур, мунда ҳам неча ишни боис қилдиким, алар бу келмакдин ўсондилар, балки бу таважжуҳдин пушаймон бўлуб, бемурод ёндилар».*

*(Давоми бор.)*

*(Давоми. Боши ўтган сонларда.)*

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!



*Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Республикамиз Президентининг Фармони билан мукофотланганлар орасида* ***«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»*** *газетаси мухбири, устоз журналист* ***Юнус ЗИЁДОВ*** *ҳам бор. У амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун* ***«ШУҲРАТ»*** *медалига сазовор бўлди.*

*Таҳририятимиз жамоаси мукофот соҳибини қизғин қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва ижодига барака тилайди.*

# ЯНГИ ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Қибрай туманидаги Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежида маиший хизмат ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш йўналиши бўйича анъанавий август кенгашлари семинари бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятидаги 10 дан ортиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежларининг услубчи ва мутахассис-ўқитувчилари иштирок этди.

Мазкур семинардан кўзланган мақсад — янги тажрибаларни оммалаштириш, эришилган ютуқларни амалиётга кенг жорий этиш бўлиб, унда «Янги намунавий ўқув режа асосида маиший хизмат йўналишларида амалий машғулотларнинг Давлат таълим стандарти бўйича бажарилиши», «Махсус фанларни ўқитишда замонавий компьютер техникаси ҳамда интернет тизимларидан фойдаланиш» каби ўнга яқин мавзуларда маърузалар тингланди. Анжуманда сўзга чиққанлар белгиланган мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Айни пайтда 50 нафар ЎзХДП аъзоси меҳнат қилаётган коллежимизда тикувчилик ишлаб чиқариши, умумий овқатланиш, сартарошлик ва декоратив косметика, радиотехникаларни таъмирлаш ҳамда ишлатиш, кинология, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуқий хўжалик фаолияти каби йўналишларда мутахассис-кадрлар тайёрланади. Илм масканимизда янги ўқув амалиётлари ва махсус фанлар бўйича тажрибаларни ўзлаштиришда бу каби анжуманларнинг аҳамияти беқиёсдир, — дейди Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директор ўринбосари Матлуба Иброҳимова.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Спорт

# КУРАШ 77 МАМЛАКАТДА

Мустақиллик туфайли дунё юзини кўрган азалий қадриятимиз, миллий ғуруримиз саналган курашимизнинг халқаро спорт тури сифатида жаҳонда тан олинганлигининг 7 йиллик шодиёнаси арафасида Кураш халқаро ассоциацияси қароргоҳига яна бир хушхабар келди.

КХА дунёнинг 100 дан ортиқ давлатлари билан алоқалар ўрнатган бўлиб, 73 давлатда унинг федерациялари фаолият юритаётган эди. Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматининг хабар қилишича, Чехия, Сербия-Черногория, Словакия, Кипр давлатларида ҳам КХАнинг расмий федерациялари очилган.

Шундай қилиб, кураш федерациялари сони 77 тага етди.

# РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВНИНГ ЕТТИ РАҚИБИ

Германиянинг Дрезден шаҳрида шоҳмот оламининг етакчи мутахассислари иштирокида Халқаро шоҳмот федерациясининг (ФИДЕ) 76-конгресси бўлди. Анжуманда асосий эътибор жаҳон чемпионини аниқлаб берадиган чемпионатни ўтказиш шарт-шароитлари, унда қатнашадиган гроссмейстерларнинг номзодини тасдиқлаш масаласига қаратилди.



Таъкидлаш жоизки, ФИДЕ ташаббуси билан ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатининг аҳамияти катта. Чунки кейинги йилларда Халқаро шоҳмот федерацияси ва дунёнинг айрим етакчи шоҳмотчилари ўртасида келишмовчилик келиб чиққан эди. Ана шундай омиллардан бири ФИДЕ раҳбариятининг жаҳон чемпионини аниқлаш бўйича чемпионатни янги — нокдаун тизимида ўтказишидир. Бунақа тизим Гарри Каспаров каби таниқли шоҳмотчиларга маъқул келмади.

Ўтган йили ёзда Ливиянинг Триполи шаҳрида ФИДЕ шафеълигида ўтказилган чемпионатда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов жаҳон шоҳмот тожини қўлга киритгач, мутлақ жаҳон чемпионлиги учун курашни давом эттириши лозим эди. Халқаро шоҳмот федерацияси тўрт нафар шоҳмот устаси иштирок этадиган бу ўзига хос мусобақа орқали ҳар томонга тарқалиб кетаётган шоҳмотчиларни бирлаштиришни кўзлаганди.

Бир йил муқаддам бу режанинг бир қисми амалга ошди ҳам. Россиялик Владимир Крамник ҳамда Венгрия вакили Петер Леко мутлақ жаҳон чемпионлиги учун ярим финалда куч синашди. Ушбу баҳсда зафар қучган Владимир Крамник финалда Гарри Каспаров ва Рустам Қосимжонов ўртасидаги беллашувда ғолиб чиққан гроссмейстерга қарши дона суриши кутилган эди. Ҳатто, ФИДЕ барчанинг эътиборида турган бу баҳс 2005 йилнинг январида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлишини расман эълон қилди.

Белгиланган муддат яқинлашгач, Гарри Каспаров мукофот пулларини кафолатлаш борасида ФИДЕ раҳбарияти билан келишолмади. Натижада мусобақа чала қолди. Сўнг Гарри Каспаров спортдаги фаолиятини якунлашини эълон қилди.

Ниҳоят, ФИДЕ мутахассислари амалдаги жаҳон чемпиони — Рустам Қосимжонов ҳамда жаҳон рейтингининг юқори поғоналарида турган яна етти нафар шоҳмотчи иштирокида жаҳон чемпионатини ўтказишга қарор қилди. Агар таклиф этилган гроссмейстерлардан бирортаси мусобақада иштирок этишни хоҳламаса, ўрнига рейтингда ундан кейинги ўринда турган спортчи чақирилиши белгилаб қўйилди. Чемпионатга мезбонлик қилиш истагида бўлган мамлакатлар ўртасида ўтказилган тендерда Аргентинанинг Сан-Луис шаҳри ғолиб чиқди.

Куни кеча Дрезденда тўпланган ФИДЕ конгресси делегатлари шоҳмот оламининг энг нуфузли мусобақаси жорий йилнинг 27 сентябрь — 16 октбярь кунлари Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ўтказилишини тасдиқлади. Мусобақа иштирокчиларининг номи ҳам эълон қилинди. Жаҳон шоҳмот тожи соҳиби — Рустам Қосимжонов англиялик Майкл Адамс, Венгрия вакиллари — Юдит Полгар ва Петер Леко, россиялик Пётр Свидлер ҳамда Александр Моразевич, болгариялик Веселин Топалов ва ҳиндистонлик собиқ жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд билан куч синашади.

Мусобақа қоидасига кўра, номи зикр этилган гроссмейстерлар бир-бири билан икки даврали, яъни ҳар бир шоҳмотчи ўн тўрттадан ўйин ўтказади.

Шунингдек, конгресс давомида аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати 2006 йилнинг мартида Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилиши, жаҳон шоҳмот олимпиадасига 2006 йили Турин (Италия), 2008 йили Дрезден (Германия) шаҳарлари мезбонлик қилиши белгиланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**


BURSEL GROUP



# «БУРСЕЛ» групп жамоаси

**Мустақил Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолнинг 14 йиллиги билан самимий қутлайди.**

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён ўтган ўн тўрт йил мобайнида улкан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди.

Компаниямиз жамоаси ҳам Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, енгил саноат соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.
Бу борада «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Япониянинг «Мицубиси» компанияси билан ҳамкорликда барпо қилинган «Чиноз тўқимачи ЛТД», Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» сингари ўзбек-турк-япон инвестициялари ҳисобига бунёд қилинган қўшма корхоналар, пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида қад ростлаган «Бурсел-Тошкент-Текстиль МЧЖ» бўяш, пардозлаш ва тикув фабрикалари ана шундай ҳамкорлигимизнинг яққол исботидир.
Юксак маррага эришиш учун барча куч ва имкониятга эгамиз.

*Биз бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, барчага тинчлик, фаровонлик, барқарорлик ва дастурхони ҳамиша тўкин бўлишини тилаймиз!*





## Йўл, йўловчи, ҳайдовчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДЙҲХХ тизимлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ишларига қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг 19 августидан 25 августига қадар республикамиз ҳудудида жами 299 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 38 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 334 нафари турли кўринишдаги тан жароҳатлари олган.

Шу давр мобайнида ДЙҲХХ ходимлари томонидан жами 104142 та қоидабузарлик, жумладан, 51357 та қўпол, 1869 та маст ҳолда, 12411 та тезликни ошириш, 13931 та светофор ва чорраҳадан ўтиш қоидасига риоя қилмаслик, 9456 нафар пиёдалар томонидан йўл қўйилган қоидабузарликлар аниқланди.

ДЙҲХХ ходимлари томонидан бир ҳафта давомида республикамиз ҳудудига 25 та ноқонуний равишда, умумий нархи 13309860 сўмлик сифатсиз маҳсулотларни олиб кириш ва республикамиздан ноқонуний равишда 1 марта товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетиш ҳолатлари аниқланди.

**Зоир САЙДАЛИЕВ,**
**республика ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси матбуот бўлинмаси инспектори, капитан**

«Мулоқот» журнали таҳририяти жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси, Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек мумтоз адабиёти» кафедраси мудири, академик
**Ботур ВАЛИХЎЖАЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси Термиз шаҳар врачлик пункти бош врачи
**Тўрақул БЕРДИЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: **Matnazar ELMURODOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.***
***Hajmi 3 bosma taboq.***

**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**


**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**


Г — 755
*6558 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 01.30
Topshirish vaqti 02.00
1 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**